


XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони (1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Корхона ва ташкилотлар сони (2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Рўйхатдан ўтган
корхоналар

39 872
122,5 %



Фаолият
кўрсатаётган
корхоналар

35 639
114,2 %



Янги ташкил этилган
корхоналар
(2020 йилда)

6 479
136,5 %


Юридик шахс:

Юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.


Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



*масъулияти чекланган жамият,
бирлик*



*хусусий корхона,
бирлик*




Масъулияти чекланган жамият

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган ҳўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари, жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 октябрь ҳолатига кўра)



Фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналари сони

(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган тижрат корхоналари сони

(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Акциядорлик жамияти:


Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият — акциядорлик жамияти ҳисобланади. Акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар, акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари бўйича, ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.


Акциядорлик жамиятининг фирма номида, жамиятнинг номи ҳамда бу жамият акциядорлик жамияти эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони


(январь-сентябрь ойларида, бирликда)



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-сентябрь ойларида, бирликда)




Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича таркиби
(2020 йил январь-сентябрь ойларида, умумий сонидagi улуши)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 6 479 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди. Шундан масъулияти чекланган жамиятлар 4 740 та, оилавий корхоналар 1 293 та, хусусий корхоналар 294 та, муассасалар 76 та ва бошқалар 76 тани ташкил этди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган
корхона ва ташкилотлар таркиби**
(1 октябрь ҳолатига кўра)



Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра саноат корхоналари ва ташкилотлари сони 8 111 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25,1 % га ошди.

Жами саноат корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатида – 25,7 % га (жами саноатдаги улуши 96,2 %), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашда – 10,5 % га (жами саноатдаги улуши 1,4 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 37,5 % га (жами саноатдаги улуши 0,5 %) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишда – 8,7 % га (жами саноатдаги улуши 1,9 %) ўсишидир.

**Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона
ва ташкилотлар сони**
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра қурилиш соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 3 013 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,4 % га ошди. Жами қурилиш соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили фуқаролик объектларини қуришда – ўтган йилга нисбатан 36,2 % га (жами қурилишдаги улуши 7,9 %), ихтисослаштирилган қурилиш ишларида – 29,4 % га (жами қурилишдаги улуши 29,2 %) ўсишидир.

Бино ва иншоотлар қуришда ўтган йилга нисбатан – 93,3 % ни (жами қурилишдаги улуши 62,9 %) ташкил этади.

Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра савдо соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар сони 9 744 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 20,2 % га ошди.

Жами савдо корхоналари ва ташкилотлари сони кўпайишининг асосий омили автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари чакана савдода ўтган йилга нисбатан – 22,4 % га (жами савдодаги улуши 65,8 %), автомобил ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлашда ўтган йилга нисбатан – 45,5 % га (жами савдодаги улуши 7,0 %), автомобил ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдода ўтган йилга нисбатан – 10,3 % га (жами савдодаги улуши 27,2 %) ўсишидир.



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони 1 742 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,4 % га ошди.

Жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотлар сони кўпайишининг асосий омили озиқ-овқат ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар – 14,6 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 93,1 %), яшаш бўйича хизматлар – 27,4 % га (жами яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасидаги улуши 6,9 %) ўсишидир.

**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган
корхона ва ташкилотлар сони**
(1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сони 538 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 95,2 % ни ташкил этди.

Жами ахборот ва алоқа соҳасида корхона ва ташкилотлар сонидан ноширлик хизматларида ўтган йилга нисбатан – 100,0 % ни (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 8,2 %), компьютер дастурлаштириш хизматларида ўтган йилга нисбатан – 97,7 % ни (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 31,0 %), кино-видеофильмлар, телевизион дастурлар, фонограммалар ва мусикали ёзувларни ишлаб чиқиш бўйича хизматларда ўтган йилга нисбатан – 78,6 % ни (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 4,1 %), алоқа хизматларида – 89,8 % ни (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 44,2 %) ташкил этади.

Ахборот соҳасидаги хизматларда ўтган йилга нисбатан 18,8 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 10,6 %), дастурлар тузиш ва телерадио-эшиттиришлар бўйича хизматларда – 11,1 % га (жами ахборот ва алоқа соҳасидаги улуши 1,9 %) ўсган.

Оилавий корхоналар сони (1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 2 798 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1 948 тага ёки 3,3 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 2 397 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1 575 тага ёки 2,9 мартага ошганлигини кўриш мумкин.


2020 йил январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 1 293 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1 017 тага ёки 4,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятлар сони (1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 24 823 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 5 343 тага ёки 27,4 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 22 758 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 3 845 тага ёки 20,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 4 740 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 800 тага ёки 20,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.



Кичик тадбиркорлик субъектлари сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



**Андижон вилоятидаги хорижий капитал иштирокидаги
корхона ва ташкилотлар сони**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 355 тани ташкил этиб, улардан 332 таси ёки 93,5 % фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 60 тага ёки 20,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 39 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-сентябрь ойларида, бирликда)



**Ўзбекистон Республикасида МДХ Давлатларининг капитали иштирокида
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

	Мамлакатлар		Жами	шундан:	
				қўшма корхона	хорижий корхона
1		Россия Федерацияси	73	41	32
2		Қирғиз Республикаси	35	16	19
3		Беларус Республикаси	7	5	2
4		Қозоғистон Республикаси	6	2	4
5		Озорбайжон Республикаси	5	2	3
6		Украина Республикаси	3	0	3
7		Тожикистон Республикаси	2	1	1
8		Туркменистон Республикаси	1	1	0


**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг
Давлатлар кесимида сони**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони
(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жами	151	167	201	286	332
<i>шу жумладан:</i>					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3	6	11	25	26
саноат	117	128	145	172	188
қурилиш	6	7	7	18	21
савдо	9	9	18	33	43
ташиш ва сақлаш	3	3	2	2	5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6	6	7	6	9
ахборот ва алоқа	-	-	-	5	4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	1	2	1	2	5
бошқа турлар	6	6	10	23	31


Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



**Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги
фаолият кўрсатаётган корхоналар сони**
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)

	<i>Жами</i>	<i>шундан:</i>	
		<i>қўшма корхона</i>	<i>хорижий корхона</i>
Вилоят бўйича:	332	185	147
шаҳарлар:			
Андижон ш.	134	64	70
Ҳонобод ш.	17	10	7
туманлар:			
Андижон	26	19	7
Асака	19	13	6
Балиқчи	8	2	6
Бўстон	7	4	3
Булоқбоши	11	7	4
Жалақудуқ	11	7	4
Избоскан	8	5	3
Улуғнор	7	5	2
Марҳамат	15	7	8
Олтинкўл	17	13	4
Пахтаобод	7	4	3
Хўжаобод	13	9	4
Шаҳрихон	25	11	14
Қўрғонтепа	7	5	2

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)




Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида сони
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимида жамидаги улуши Андижон шаҳрида 36,1 %, Шаҳрихон 7,2 %, Асака 7,2 %, Андижон 6,4 %, Избоскан 5,0 %, Олтинкўл 4,5 %, Хўжабод 4,4 %, Балиқчи 4,4 %, Қўрғонтепа 4,3 %, Марҳамат 4,2 %, Пахтабод 3,9 %, Жалақудук 3,9 %, Булокбоши 2,8 %, Улуғнор 1,8 %, Бўстон 1,7 % туманлари ва Хонобод шаҳри 2,0 % ни ташкил этади.

Худудлар кесимида жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг қўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши
(2020 йил 1 октябрь ҳолатига қўра, жамига нисбатан улуши % да)



2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг учинчи муҳим йўналиши – **халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш** ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ўсиб бориши, энг аввало мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.

Худудлар кесимида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони
(2020 йил январь-сентябрь ойларида, бирликда)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар худудлар кесимида тақсимланганда Андижон (28,2 %), Асака (19,5 %), Бўстон (12,8 %), Қўрғонтепа (8,9 %), Андижон (6,3 %), Шахрихон (5,8 %), Булоқбоши (4,0 %), Олтинқўл (3,3 %), Избоскан (2,8 %), Жалақудук (2,4 %), Хонобод шаҳри (2,2 %), Балиқчи (1,6 %), Пахтаобод (1,4 %), Хўжаобод (0,5 %), Улуғнор (0,2 %) ва Марҳамат (0,1 %) туманлари улушга эга.

Худудлар кесимида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони
(2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида, бирликда)



Ўтган йилга нисбатан% да



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри - ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгиланган бориладиган маълумотлардан иборат бўлган, автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Рўйхатга олинган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташқари).

Фаолият кўрсатаётган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

Янги ташкил этилган - рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси - маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг % даги ифодаси.

Кичик корхона ва микрофирмалар - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар - норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) шакллантирилди.